

**ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ  
МЕТОДИКАЛАРГА ЎРГАТИШ МИЛЛИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28/3012.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА  
ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА ЎРГАТИШ МИЛЛИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 371.11

**БАЙБАЕВА МУХАЙЁ ХУДАЙБЕРГЕНОВНА**

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ РАҲБАРНИНГ БОШҚАРУВ  
ФАОЛИЯТИДА СОҒЛОМ ВА ИЖОДИЙ МУҲИТНИ ЯРАТИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.07 –Таълимда менежмент**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Педагогика фанлари доктори(DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of science (DSc)  
on pedagogical science**

**Байбаева Мухайё Худайбергеновна**

Таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятида соғлом ва  
ижодий муҳитни яратиш механизмларини такомиллаштириш

**Байбаева Мухайё Худайбергеновна**

Совершенствование механизмов создания здоровой, творческой среды  
в управленческой деятельности руководителей образовательных  
учреждений.

**Baybaeva Mухайё Худайбергеновна**

Improving mechanisms of forming healthy and creative environment in  
management activity of education institutions managers

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published work.....

**ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ  
МЕТОДИКАЛАРГА ЎРГАТИШ МИЛЛИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28/3012.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА  
ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА ЎРГАТИШ МИЛЛИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 371.11

**БАЙБАЕВА МУХАЙЁ ХУДАЙБЕРГЕНОВНА**

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ РАҲБАРНИНГ БОШҚАРУВ  
ФАОЛИЯТИДА СОҒЛОМ ВА ИЖОДИЙ МУҲИТНИ ЯРАТИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.07 –Таълимда менежмент**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Ped209 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида ([www.avloniy.uz](http://www.avloniy.uz)) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исмаилова Зухра Карабаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Акрамова Шахноза Абраровна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Исакулова Нилуфар Жаникуловна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Шоумаров Ғайрат Бахрамович**  
психология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Диссертация ҳимояси Педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 рақамли Илмий Кенгаш 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; Web-site:[www.avloniy.uz](http://www.avloniy.uz); E-mail:[avloniy@xtv.uz](mailto:avloniy@xtv.uz).)

А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69.)

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.А.Юлдашев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий Кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**М.Пардаева**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий Кенгаш илмий котиби,  
п.ф.ф.д., (Phd)

**Ш.И.Пахрутдинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий Семинар раиси, с.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳондаги глобаллашув ва таълимнинг интеграциялашуви жараёнларида таълим муассасаси раҳбарларининг бошқарув фаолиятида ижодий ёндашув, замонавий билим, кўникма, малакалари ва касбий-ижтимоий тайёргарлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, АҚШнинг Гарвард университетининг Career Services марказида таълим муассасаси раҳбарлари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра 79,8% қисми ижодий компетентлигини белгиловчи муҳим мезон соғлом муҳит деб белгиланган. Нанъян технология университетида таълим муассасаси раҳбарлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижасида 65,5% раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида ижодкорлик жиҳатлари муҳим деб белгиланган. Шу боис, умумий ўрта таълим ташкилоти раҳбарларининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда таълимга компетенциявий ёндашув асосида раҳбарларнинг рақобатбардошлигини ошириш, уларда ижодий муҳитни шакллантириш, касбий фаолият соҳаларига соғлом муҳитни яратиш орқали креативлик қобилиятларини ривожлантириш, шунингдек, таълим сифатини таъминлаш ва самарадорликга эришиш масалалари долзарб йўналишлардан бири сифатида тадқиқ этилмоқда. Ана шу нуқтаи-назардан илғор хорижий тажрибалар асосида бошқарув фаолиятини модернизациялаш, раҳбарларнинг касбий фаолиятга тайёргарлик ҳолатларини ўрганиш, ижодий кўникма ва малакаларини шакллантириш, бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда учинчи Ренесанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсад қўйилган экан, таълим менежменти йўналишида раҳбар кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш, ҳамда бошқарув фаолиятига бўлган талабни қамраб олиш даражасини кучайтириш билан бирга замонавий рақобатбардош раҳбарларни тайёрлашга қаратилган. Туб ислохотлар жамиятнинг мактаб таълимига бўлган талабини қамраб олиш даражасини кўп жиҳатдан «Халқ таълими тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш» каби вазифалар белгиланди<sup>1</sup>. Бу борада бошқарув фаолиятини ривожлантириш ва замонавий талабларга мос таълим тизимини яратиш бўйича қабул қилинаётган қонун, фармойиш ва қарорларда ҳам мактаб жамоасини бошқаришда шаффоф, соғлом ва ижодий муҳитни яратишда жамоатчиликка очиқ бўлишини таъминлаш, таълим сифатига ва самарасига таъсир қилувчи муаммоларни бартараф этиш учун умумтаълим мактаб раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини ошириш вазифалари белгиланмоқда. Мазкур вазифалар бугунги замон мактаб директорларининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш фаолиятини

---

<sup>1</sup> Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5538-сон Фармони. 2018 йил 5 сентябрь.

такомиллаштириш орқали таълим сифатини ошириш билан боғлиқ илмий тадқиқотларни олиб боришни кун тартибига қўймоқда. Шу нуқтаи назардан, мактаб директорларининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш фаолиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 24 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 30 майдаги ПҚ-3755-сон “Истикболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон “Халқ таълими тизимида бошқаришнинг янги принципларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1018-сон “Истикболли бошқарув кадрларини танлаш бўйича “Тараққиёт” республика танлови финали иштирокчилари орасидан бошқарув кадрлари захирасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори ҳамда бошқарув фаолиятига тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда мазкур диссертацион тадқиқот маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Раҳбарларда бошқарув компетентлигини такомиллаштиришга йўналтирилган билан боғлиқ тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Халқаро меҳнат ташкилоти (ILO, Швейцария), Бразилия университети (Universidade de Brasília, Бразилия), Жон Кеннади бошқарув институти (John F. Kennedy School of Government, АҚШ), Урал Федерал университети (Россия Федерацияси), Давлат бошқарув университети (Россия Федерацияси), “Saville Assessment” компанияси (Буёк

<sup>2</sup> <https://www.ilo.org/global/research/lang--en/index.htm>; [https://www.unipage.net/en/76/university\\_of\\_bras\\_lia](https://www.unipage.net/en/76/university_of_bras_lia); <https://www.hks.harvard.edu/courses/>; <https://urfu.ru/ru/>; <https://www.ucheba.ru/uz/13477/programs/>; <https://www.savilleassessment.com/news-and-resources/>

Британия), А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий тадқиқот институти(Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда тадқиқот иши мавзусига оид изланишлар натижасида қатор илмий натижалар олинган. Жумладан: бошқарув лавозимлари профессионал стандартлари тармоқ малака рамкаси талаблари асосида ишлаб чиқилган (Universidade de Brasília, Бразилия); касбий лавозим малака талаблари миллий малакалар рамкаси асосида такомиллаштирилган (ILO, Швейцария); бошқарувчининг таянч компетенциялари ҳар бир соҳа хусусиятларидан келиб чиқиб (John F. Kennedy School of Government, АҚШ); Урал Федерал университети, Россия Федерацияси); олий таълим раҳбарлик лавозимларига захира кадрларни шакллантиришнинг дастурий тизими рақамли технологиялар воситасида яратилган (Давлат бошқарув университети, Россия Федерацияси); замонавий менежмент компетенциялари модели ва бошқарувчи ҳуқ-атвор стандартлари асосида яратилиши такомиллаштирилган (Буюк Британиядаги “Saville Assessment” компанияси); узлуксиз малака оширишнинг замонавий методикалари жорий қилинган (А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий тадқиқот институти).

Дунёнинг етакчи ОТМларида раҳбарларнинг бошқарув компетентлигини бўйича қуйидаги йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда: бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари жорий қилиш асосида раҳбар шахсининг профессионал компетенцияларини ривожлантириш; раҳбарнинг инновацион бошқарув қобилиятини ривожлантиришнинг психологик механизмларини жорий этиш; рақамли технологиялар асосида бошқарувни ташкил этиш ва унинг сифатини баҳолаш мониторингини такомиллаштириш; таълим муассасалари репутациясини шакллантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва психологик механизмларини жорий этиш; раҳбардаги бошқарув, шахсий ва функционал компетенцияларни моделлаштириш усуллари ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда бошқарув тизими, таълим тизимида инновацион, стратегик, функционал менежментни шакллантириш масалалари Р.Джураев, Ж.Йўлдошев, У.Иноятов, С.Турғунов, М.Юлдашев, О.Хайитов, Я.Исмадияров, А.Магруппов, Н.Мухамедова, М.Саидов, М.Мирсолиевалар; носоғлом муҳитни келтириб чиқарувчи педагогик зиддиятларни келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш бўйича М.Ахмедова, М.Давлетшин, Ғ.Шоумаров, С.Жалилова, Х.Ибрагимов, В.Каримова, Д.Нарзиқулова, З.Нишонова, Э.Ғозиев, Р.Самаров, А.Холиқов, Н.Сафаев, Г.Тўйчиева, Н.Шермухаммедова, Ш.Мўминов, Б.Қодиров, Р.Суннатова томонидан ўрганилган<sup>3</sup>.

<sup>3</sup> Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти: Ўқув қўлланма. –Тошкент: Ворис, 2006. – 264 б.; Йўлдошев Ж.Ғ. Таълим янгиланиш йўлида. -Тошкент: Ўқитувчи, 2000. -207 б.; Иноятов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления контроля качества образования в профессиональном колледже. Дисс...док. пед.наук. - Т.: 2003. -327 с.; Турғунов С.Т. Теоретические основы управленческой деятельности директора средних общеобразовательных учреждений. Автореф.дис. ...докт. пед.наук.-Т.: 2007-43 с.; Юлдашев М.А. Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати

МДХ мамлакатларида раҳбарнинг касбий маҳоратини шакллантириш соҳасида фундаментал ишлар Ю.Конаржевский, Г.Балыхин, Т.Давыденко, Т.Базаров, Н.В.Кузмина; бошқарув фаолиятида соғлом муҳитни яратиш жараёнида учрайдиган зиддиятлар, шахслараро низолар, уларнинг психологик жиҳатларини А.Файоль, В.Андреев, А.Анцупов, В.Журавлев, Э.Киршбаум, И.Мариновская, В.Цветков, А.Гришин, И.Рыданова, М.Рыбакова, А.Шипилов, В.Сластенин, Н.Щурковалар томонидан тадқиқ этилган<sup>4</sup>.

Европа мамлакатларида раҳбар фаолияти, унинг ютуқ ва камчиликларини R.Boyatzis, D.Bartram, A.Maslow, J.Rawen, W.Hutmacher, J.Burton, A.Becker, F.Dukes, L.Coser, G.Mead, T.Gordon, K.Thomas, E.Richards, Yu.Sazali, A.Eagly, B.Johnson, U.Lindsey, D.Laynz, P.Smit, S.Sharplarнинг илмий тадқиқот ишларида таҳлил қилинган<sup>5</sup>.

Мавжуд назарий манбааларда раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш механизмларини такомиллаштириш масалалари, жумладан: бошқарув самарадорлигини ошириш, раҳбарларнинг ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-бошқарув механизмларини белгилаш, шунингдек, бошқарув фаолиятини соғлом муҳит тамойилларга асосланган ҳолда такомиллаштириш, касбий-амалий фаолият натижаларига асосланиб аниқ кўрсаткичлар асосида аниқлаш масалалари етарлича тадқиқ этилмаганлиги бу борада илмий тадқиқот ишларини янада кучайтириш кераклигини тақозо этмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари

---

менежментини такомиллаштириш: Пед.фан.док...дисс. автореф. -Т., 2016. -31 б.; Курбонов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Таълим сифатини бошқариш. – Тошкент, 2006, -553 б.; Исмадияров Я.У. Олий педагогик таълим тизимида инновацион менежментни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш: Пед.фан.док. ...дисс. автореф. -Т., 2018. - 32 б.; Магруппов А.М. Олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини такомиллаштириш: Пед.фан.док...дисс. автореф. -Т.: 2017. 31 б.; Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иктисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т.: Молия, 2002. -184 б.; Мирсолиева М. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш.: Автореф.докторлик дис.–Тошкент, 2019. -35 б.

<sup>4</sup> Конаржевский Ю.А. Внутри школьный менеджмент. –М., 1992.; Балыхин Г.А.Управление развитием образования: организационно-экономический аспект Текст. / Г.А.Балыхин.—М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2003. -428 с.; Давыденко Т.М. Теоретические основы рефлексивного управления школой.: Автореф. дис. экон. наук. –М., 1996. –35с.; Базаров Т.Ю., Ермина Б.Е. Управление персоналом. – М.: ЮНИТИ, 2002. -430 с.; Кузьмина Н.В. Акмеологическая теория повышения качества подготовки специалистов образования. М.: 2001.; Кудрявцева Е.И. Компетенция и менеджмент: компетенции в менеджменте, компетенции менеджеров, менеджмент компетенции. Санкт Петербург.: 2012. -340 с.; Маркова А. Психология профессионализма. М.: 1996.

<sup>5</sup> Bartram D. The Great Eight Competencies: A Criterion-Centric Approach to Validation. Article in Journal of Applied Psychology 90(6): 1185. 2005. -203 p.; Равен Дж. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация. М.: 2002.; Равен Дж. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация. М.: 2002.; Сластенин В.А, Чижикова Г.И. Введение в педагогическую аксиологию. - М.: Владос, 2005. -282 с.; Ричард Э. Бояцис. Компетентный менеджер: модель для эффективной работы. Нью-Йорк.: 1982.; Ахмедова Н.К.Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш.:Автореф. Фалсафа докторлик дис. –Тошкент, 2017. -35 б.



“Maktablarda liderlik va “STEAM” (2020-2021 йй.) ва “UPGRADE” мавзудаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш механизмларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятларини педагогик-психологик асосларини таҳлил қилиш, назарий-методологик асосларига доир замонавий ёндашувлар ва тамойилларни аниқлаштириш;

умумий ўрта таълим муассасаларида носоғлом муҳитни келиб чиқиш сабаблари, объектив ва субъектив омилларини таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш усулларини танлаш;

раҳбарнинг соғлом ва ижодий бошқарув фаолиятлари даражасини тизимли диагностика қилиш, мезон, даражаларини аниқлаш, метод ва технологияларини такомиллаштириш;

умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг самарали бошқарув фаолиятларини инновацион-интерактив технологияларга асосланган ҳолда соғлом ва ижодий муҳитни яратиш моделини ишлаб чиқиш;

умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш механизмларини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, педагогик тажриба-синов ишларида Тошкент вилояти, Наманган вилояти, Самарқанд вилояти, Қашқадарё вилояти, Сирдарё вилояти умумий ўрта таълим мактаб директорлари (636 нафар) иштирок этишган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш механизмларини такомиллаштириш мазмуни, шакл ва методлари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда ўқув-методик, илмий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, суҳбат, педагогик кузатув, анкета, тест, савол-жавоб, интервью, микрокейс, педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг самарали бошқарув фаолиятини шакллантириш тузилмаси соғлом ва ижодий муҳитни яратиш алгоритминини жамоада турли тоифадаги ходимлар билан ишлашга доир ички ва ташқи ижтимоий жараёнларнинг ижтимоий-педагогик функциялари эмпирик даражаси бўйича амалий ғоялар таъсирчанлигига ҳамда барқарор тараққиётга мойиллигини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолияти жамоада ривожланиш динамикасига бўлган эҳтиёжларнинг устувор йўналишини турли вазиятларда ижтимоий башоратлаш функциялари орқали

соғлом ва ижодий муҳит интеграциясини саноген, патоген фикрлаш компонентларига мос адекватлик ва валидлик бўйича такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш модели мазмунли, диагностик, коммуникатив ҳамда лойиҳалаш ташкилий фаолият траекторияларни стратегик ташхислаш, ходимлар билан ишлашда индивидуал-психологик, педагогик шарт-шароитдаги имкониятларини продуктивлик даражасига барқарор мослаштириш орқали такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш механизмларининг импринтинг тамойиллари антропологик, аутопсихологик хусусиятларига мувофиқ ситуатив таълим идентифлигини акмеологик фаолликка уйғунлаштириш орқали такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш мезонлари аксиологик муносабатнинг баҳолаш кўрсаткичларини прогностик, диагностик, мотивацион, ижодкорлик сифатларни ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“Таълим муассасаси раҳбар фаолиятига замонавий ёндашувлар” ўқув модулининг ўқув-дидактик таъминоти ишлаб чиқилган;

“Педагогик жамоани замонавий бошқариш усуллари” қисқа муддатли муаллифлик курси ташкил этилган;

“Педагогик конфликтология” фанининг электрон ўқув-услугий мажмуаси яратилган, “Таълим сифатини бошқариш” номли дарслик ва “Педагогик жамоани замонавий бошқариш усуллари” номли ўқув қўлланма нашр этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** педагогик таълим соҳасидаги республикаимиз, чет эллик олимларнинг ишларига асосланганлиги, назарий ва инновацион ёндашувлар ва усуллар расмий манбаалардан олингани, тадқиқот вазифаларига мос келувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, эмпирик таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, эришилган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти замонавий ёндашувлар асосида педагогик жамоада соғлом ва ижодий муҳитни яратиш, умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув усуллари ривожлантириш механизмларининг илмий асосланганлиги, таълим муассасаси раҳбарининг соғлом ва ижодий компетентлигини ривожлантириш моделининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таълим жараёнида умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг соғлом ва ижодий муҳитни яратишда бошқарув усуллариининг такомиллаштирилганлиги, халқ таълими соҳасидаги

менежерлик кўникмаларини шакллантириш борасида қисқа муддатли курслар очилганлиги, ўқув модуллари мазмуни такомиллаштирилганлиги, модернизациялашган ахборот-методик таъминот ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш механизмларини такомиллаштиришга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг самарали бошқарув фаолиятини шакллантириш тузилмаси соғлом ва ижодий муҳитни яратиш алгоритминини жамоада турли тоифадаги ходимлар билан ишлашга доир ички ва ташқи ижтимоий жараёнларнинг ижтимоий-педагогик функциялари эмпирик даражаси бўйича амалий ғоялар таъсирчанлигига ҳамда барқарор тараққиётга мойиллигини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган хулоса ва таклифлардан “Баркамол авлод” болалар мактаб директорлари ва директор ўринбосарлари, умумий ўрта таълим мактаб директорлари малака ошириш курси ўқув режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 26 октябрдаги 02-02/4-957-сон маълумотномаси). Натижада, ўқув режага “Таълим муассасаси раҳбар фаолиятига замонавий ёндашув” ўқув модули киритилган;

умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолияти жамоада ривожланиш динамикасига бўлган эҳтиёжларнинг устувор йўналишини турли вазиятларда ижтимоий башоратлаш функциялари орқали соғлом ва ижодий муҳит интеграциясини саноген, патоген фикрлаш компонентларига мос адекватлик ва валидлик бўйича такомиллаштирилган хулоса ва таклифлардан “Таълим сифатини бошқариш” номли дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 19 июлдаги 233-сон буйруғи, № 233-0248). Натижада, умумий ўрта таълим ташкилоти раҳбарининг бошқарув фаолияти такомиллашувига хизмат қилган;

умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш модели мазмунли, диагностик, коммуникатив ҳамда лойиҳалаш ташкилий фаолият траекторияларни стратегик ташхислаш, ходимлар билан ишлашда индивидуал-психологик, педагогик шарт-шароитдаги имкониятларини продуктивлик даражасига барқарор мослаштириш орқали такомиллаштирилган хулоса ва таклифлардан “Таълим сифатини бошқариш” номли дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 19 июлдаги 233-сон буйруғи, № 233-0248). Натижада, умумий ўрта таълим ташкилоти раҳбарининг бошқарув фаолияти самарадорлигига хизмат қилган;

умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш механизмларининг импринтинг тамойиллари антропологик, аутопсихологик хусусиятларига мувофиқ ситуатив таълим идентификаторини акмеологик фаолликка уйғунлаштириш

орқали такомиллаштирилган хулоса ва таклифлардан “Мактабларда лидерлик ва STEAM” ва халқ таълими тизимидаги методистлар, мактаб директорлари ва синф раҳбарларининг малакасини ошириш таълим мазмунини такомиллаштириш “UPGRADE” илмий тадқиқотларида фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 26 октябрдаги 02-02/4-957-сон маълумотномаси). Натижада, “Таълим муассасаси раҳбар фаолиятига замонавий ёндашув” ўқув модули LMS платформасига жойлаштирилган;

умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш мезонлари аксиологик муносабатнинг баҳолаш кўрсаткичларини прогностик, диагностик, мотивацион, ижодкорлик сифатларни ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган хулоса ва таклифлардан Халқ таълими вазирининг 2019 йил 10 декабрдаги Сирдарё вилояти умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифатини ошириш чоратадбирлари тўғрисидаги 396-сон буйруғига биноан таълим сифатини ошириш, замонавий бошқарувнинг илғор тажрибалари бўйича раҳбарларнинг бошқарув фаолиятини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган қисқа муддатли ўқув курси материалларини яратишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 26 октябрдаги 02-02/4-957-сон маълумотномаси). Натижада, “Педагогик жамоани замонавий бошқариш усуллари” қисқа муддатли муаллифлик курси ташкил этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертацион тадқиқотнинг натижалари 13 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот ишининг асосий натижалари бўйича жами 56 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, 1 та дарслик, 1 та ўқув қўлланма, 2 та муаллифлик гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган республика илмий нашрларда 12 та, хорижий журналларда 5 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 260 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети аниқлаштирилган, илмий янгилиги баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг “Таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш механизмининг назарий-методологик асослари” деб номланган биринчи бобида тадқиқот муаммосига доир илмий-назарий адабиётларнинг қиёсий таҳлили асосида умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари, тамойиллари, услублари, концептуал ёндашувлари, таълимни модернизациялаш шароитида раҳбар бошқарувига ва ривожлантиришга қўйилаётган замонавий талаблар таҳлил этилган, бошқарув фаолиятини ривожлантиришга таъсир этувчи акмеологик омилларнинг фаолият талаблари тузилмаси билан ўзаро интегратив алоқадорлиги ёритилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ташкилот ва корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бугунги кун талабларига жавоб берадиган раҳбар ва мутахассисларни тайёрлаш сифатига боғлиқ. Бугунги кунда ижтимоий йўналтирилган рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида раҳбарларни (бошқарувчиларни) тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда алоҳида ўрин тутди.

Назарий манбааларни тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, раҳбарларнинг бошқарув фаолияти ва уни ривожлантириш муаммоси кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида турли йўналишларда ўрганилган. Раҳбар шахсини ўрганиш муаммоси кишилиқ жамиятининг барча даврларида муҳим масала бўлиб келган. Бунинг асосий сабаби биринчидан, ҳар бир даврдаги муносабатлар ўзига хос равишда ижтимоий мавқе жиҳатидан кимнингдир юқори даражада туришини тақозо этган бўлса, иккинчидан, инсонларнинг ҳаёт кечириш тарзи, равнақи, даражаси, фаровонлиги, бахтли турмуш кечириши шу юқори мавқедаги шахсга, унинг турли фазилатлари ва хислатларига боғлиқ бўлганлигида.

Шу боисдан педагогик жамоани бошқариш, таълимнинг юқори кўрсаткичларга эришиб боришда умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарларидан самарали бошқарув малакаларига эга бўлишни талаб қилади. Халқ таълими вазирининг 2018 йил 14 июндаги 160-сонли буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги 795-сон “Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификаторини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, умумий ўрта таълим мактаби директорининг малака тавсифларини ва малака талабларини белгилайди. Умумий ўрта таълим мактаби директори бошқарув жараёнида: умумий фаолиятига раҳбарлик қилиш; мактаб ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишни ривожлантириш ва таълим сифатини яхшилашнинг асосий йўналишларини белгилаш; мактабнинг йиллик иш режасини тасдиқлаш ва ўқув жараёнига нисбатан педагогик технологияларнинг қўлланишига раҳбарлик қилиш; мактаб фаолиятининг молиявий-хўжалик масалаларини ҳал қилиш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиши, ундан самарали фойдаланишини амалга ошириш; кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни амалга ошириш,

педагог ходимлар аттестациясини ташкил қилиш ҳамда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилинишини таъминлаш; педагог ходимларни рағбатлантириш учун давлат таълим стандартлари талабларининг бажарилишини холис баҳолашни ташкил қилиш; ўқувчиларни мактабга қабул қилиш ва синфдан синфга ўтказиш ва бир мактабдан бошқасига ўтказиш ишларини ташкил қилиш; ота-оналар, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштириш бўйича ҳамкорликни ташкил қилиш; мактаб ходимлари вазифалари, лавозим мажбуриятларини белгилаш, улар орасидаги энг фаолларини рағбатлантириш, ўз ваколати доирасида интизомий жазо чораларини қўллаш; касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидаларига амал қилиш.

Умумий ўрта таълим муассасаси раҳбари амалдаги умумий ўрта таълим соҳасидаги тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни; мактаб фаолияти ва уни ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини, жамоани бошқаришнинг самарали усулларини; ўқув ва тарбия сифати, давлат таълим стандартлари талабларини жорий қилиш натижалари билан боғлиқ ҳолда ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимлари ва методларини; кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш усуллари, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини; таълим муассасаси ва ўқитувчилар фаолиятини таҳлил қила олишни, таълим муассасаси фаолиятидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг самарали йўллари топишни; мактабни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, таълим муассасасини бошқаришнинг ташкилий таркибини тузиш, шартномалар тузишни; педагогик жамоада қулай психологик муҳит яратишни билиши лозим.

Умумий ўрта таълим муассасасида педагогик ходимларнинг меҳнатга бўлган қизиқишларини кучайтиришга, ишчанликни оширишга, диққат-эътиборли бўлишга, ходимларни жипслаштиришга қаратилган бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятида инновацион ёндашувлар асосида соғлом ва ижодий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-бошқарув, соғлом ва ижодий муҳитни яратиш механизмларини такомиллаштириш мазкур ишнинг долзарблигини кўрсатади.

Мутафаккир аждодларимиз таълимотида, халқ ижоди маҳсулларида адолатли ва адолатсиз муносабатларнинг юзага келиши раҳбар шахси, яъни шоҳга боғлиқ эканлиги тўғрисидаги фикрларни ўқиймиз. Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида инсонларнинг яхши ҳаёт кечириши бошқарувчи, яъни раҳбар шахсига боғлиқ эканлигини, унинг турли фазилатлари бу борада унга ёрдам беришини уқтиради, ҳамда раҳбар шахси учун гуманистик, инсонпарвар хусусиятларга эга бўлиш, ёмон одатлардан воз кечиш, бошқаларни яхши ишларга руҳлантира олиш муҳимлиги таъкидланган. XI асрнинг йирик алломаларидан бири Юсуф Хос Хожиб ўзининг «Қутадғу билиг», яъни «Саодатга бошловчи билим» асарида «Киши қанчалик юқори мартабага эришмасин, у барибир камтар бўлиб қолиши

лозим” деган ғояни илгари суради, яъни бошқарувчи шахс, адолатли бўлиши лозимлиги, табиатан яхши ниятли, юксак ахлоқ соҳиби, тўғри ишлар қилиши, фармонларни адолатли равишда чиқариши керак деб таъкидлайди. Амир Темур фикрича, салтанат ишларида тўрт нарса: (1) кенгаш; (2) машварату маслаҳат; (3) қатъий қарор, тадбиркорлик, хушёрлик; (4) эҳтиёткор бўлишга амал қилиш лозим. Юқорида келтирилган адабиётлар таҳлилидан кўринадикки, бизнинг худудимизда яшаб ижод этган мутафаккирлар ҳамда давлат арбобларининг бошқарув, раҳбарлик муаммоларига бағишланган асарларида ижтимоий воқеаликка нисбатан психологик ёндашиш, инсонпарварлик ғоялари устувор этиб белгиланган.

Раҳбарларнинг бошқарув фаолиятини ривожлантириш стратегиялари, муассасанинг инновацион менежмент динамикаси, корпоратив бошқарув самарадорлиги, шунингдек лойиҳалаштириш асосида бошқарув маданиятини шакллантириш, ривожлантириш ва мониторингини олиб бориш тамойиллари ва уларнинг классификацияси S.Taylor, R.Thorpe, P.R.Sparrow, Т.Ю.Базаров, Е.И.Кудрявцева, А.Т.Сергеев, М.Йўлдошев, С.Турғунов, А.Магруппов, Я.Исмадияров каби тадқиқотчилар томонидан илмий-назарий жиҳатдан асосланган.

Америкалик олимлар Ф.Тейлор ва Д.Мак-Грегор (1906-1964) таълимоти “Инсон муносабатлари” мактабида алоҳида ўрин тутади. Улар “Х”, “У”, “Z” назариялари бўйича раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида ходимларниг меҳнатга оид муносабатларини шакллантиришда эҳтиёжларга асосланган хулқ атвор мотивация моделини ишлаб чиққан<sup>6</sup>.

Ушбу таҳлиллар натижасида раҳбар томонидан соғлом ва ижодий муҳитни яратишнинг асосий кўрсаткичларини қуйидагича ифодалашимиз мумкин: ходимлар билан хушмуомила бўлиш; ҳар қандай вазиятда етакчи бўлиш; зиддиятли вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш; ахборотни тез ўзлаштириш, унинг устида ишлаш ва ўз вақтида педагогик жамоага етказиш; мавжуд имкониятлардан мақсадли фойдаланиш; янги, замонавий инновацион технологияларни ўзлаштириш; ўзининг ҳамда педагогик жамоанинг фаолиятини таҳлил қилиш; таклифлар киритиш жараёнида жамоани бошқариш; ходимларни бошқаришда уларнинг шахсий ва иш унумдорлигини инобатга олиш; педагогларнинг касбий малакаларини узлуксиз ошириб боришларини ташкил қилиш; давлат таълим стандартлари талабларини амалга оширишда масъулиятли бўлиш, ўқув-тарбия жараёнини самарадорлигини таъминлаш ва сифатини ошириш; келажакни олдиндан кўра билиш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан билиш ва уларни самарали ечимини топиш; бошқарувни ташкил қилиш – ходимларнинг ижтимоий-молиявий манфаатдорлигини яхшилаш учун шароитлар яратиш; топшириқларни тўғри ва адолатли тақсимлаш – қўйилган вазифаларни амалга ошириш, улар ижросини таъминлаш учун буйруқлар чиқариш; келишиш – ходимларнинг қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда, юзага келган вазиятни ўрганиб, жамоада ишлар тақсимотини ўзаро

<sup>6</sup> Бодди Д., Пэйтон Р. Основы менеджмента: Пер. с англ./Под ред. Ю. Н. Контуревского– СПб, 1999. – 816 с.

мослаштириш; назорат – ўрнатилган тартибда буйруқлар ва қарорлар ижросини кузатиб бориш.

Раҳбарнинг асосий хусусиятларига мослашувчанлик, лидерлик, ижтимоий функцияларни мувофиқлаштириш; мулоқот (муносабатдаги очик кўнгиллик, ходимларни ўзига ён бостира олиш, ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш); стрессларга чидамлик каби сифатларни киритишимиз мумкин. Мактаб директорининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратишда қуйидаги тамойиллар муҳим аҳамият касб этади (1-жадвалга қarang):

1-жадвал.

**Мактаб директорининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш тамойиллари**

<b>Мактаб директорининг бошқарув фаолиятида соғлом муҳитни яратиш тамойиллари</b>	<b>Мактаб директорининг бошқарув фаолиятида ижодий муҳитни яратиш тамойиллари</b>
инсонпарварлик тамойили – раҳбарларнинг ижтимоий фаоллиги, маънавий баркамоллиги, шахсий эркинлиги, ахлоқий фазилатлари, креативлик ва ижодкорликни қўллаб-қувватлашни билдиради	илмийлик тамойили – раҳбар ўз касбий билимлари ва тажрибасига таянган ҳолда, жамоани бошқаришда услубларининг илмий асосланганлигини билдиради
демократлаштириш тамойили – бошқарувнинг асосий вазифаларини ҳал этишда мустақилликни ривожлантириш, ҳамкорлик ва шерикчиликнинг турли шакллари тақомиллаштириш, инновацион фаолият иштирокчилари орасида ишончни таркиб топтиришни билдиради	узлуксиз ва интеграция тамойили – инновацион жараённинг узвийлиги таълимнинг бир бутунлигини таъминлашга ёрдам берадиган, раҳбарнинг ҳаёт давомида билим ва кўникмаларни мунтазам ошириб бориши ва эгалланган самарали бошқарув малакаларини интеграция қилишини билдиради
индивидуаллашув тамойили – раҳбарларни ўз-ўзини англашга, ўз-ўзини бошқаришга, ўз-ўзини назорат қилишга, ўз-ўзини йўналтиришни билдиради	инновацион тамойил – раҳбарнинг янгиликка интилиши, таълимнинг замонавий тенденцияларидан хабардор бўлиши ва жамоа бошқарувида янгиликларни қўллашни билдиради
раҳбарларни инновацион фаолиятга йўналтирувчи ва юксалтирувчи тамойил – инновацион таълим шароитида жамият эҳтиёжларига раҳбарнинг бошқарувчанлигининг мос келишини билдиради	интерактив тамойил – инновацион бошқарув жараёнида раҳбарнинг жамоани ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга, жипслашиш ва фаоллашувга эришишини билдиради
вариациялаш тамойили – раҳбар мустақил равишда, вазиятни англаган ҳолда, келажакни олдиндан кўра олиш натижасида кўзланган мақсадга жамоани эргаштиришини билдиради	

Бошқарув жараёнида соғлом ва ижодий муҳитни шакллантиришда раҳбар маданияти муҳим ҳисобланади, унда раҳбар одоби ва иқтидори ўртасидаги диалектик боғланиш тушунилади. Жамоада соғлом ва ижодий муҳитни шакллантиришда раҳбар маданияти қуйидаги фазилатлар мажмуида



ўз аксини топади. Биз ушбу фазилатларни боғланиши орқали қуйидаги формула орқали ўз таклифимизни бердик:

$$R_{Msim} = R_o + R_a + R_{tash}$$

Бу ерда:  $R_o$  – раҳбар одоби,  $R_a$  – раҳбарнинг адолатлиги,  $R_{tash}$  – раҳбарнинг ташкилотчилиги

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг соғлом ва ижодий муҳитни ярата олиши самарали бошқарувга эришишига замин яратади. Умумий ўрта таълим муассасаси раҳбари соғлом ва ижодий муҳитни яратиш функцияси қуйидаги компонентларни ўз ичига олади (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал.

**Умумий ўрта таълим муассасаси раҳбари соғлом ва ижодий муҳитни яратиш функцияси компонентлари**

№	Умумий ўрта таълим муассасаси раҳбари соғлом ва ижодий муҳитни яратиш функцияси компонентлари	Умумий ўрта таълим муассасаси раҳбари соғлом ва ижодий муҳитни яратиш функцияси компонентлари мазмуни
1.	мотивацион	педагогик жамоани бошқаришда ходмларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва қизиқишларини шакллантириш
2.	компенсатор	раҳбарнинг бошқарув фаолиятида зарур бўлган малакаларга эга бўлиши
3.	коррекцияловчи	раҳбарнинг бошқарув фаолиятида камчилик ва хатоларини тузатиш кўникмаларига эга бўлиши
4.	прогностик	раҳбарнинг бошқарув фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган муаммони олдиндан кўра билиши ва унга тайёргарлиги
5.	диагностик	ижтимоий-психологик мезонлар асосида раҳбарнинг бошқарув фаолиятига тайёргарлигини аниқлаш
6.	рағбатлантирувчи	самарали бошқарувдан эришилган ижобий натижаларни қўллаб-қувватлаш
7.	консультатив	бошқарув фаолиятида раҳбарга муайян муаммоларини ечишда илмий-методик ёрдам бериш

Диссертация ишида “бошқарув”, “самарали бошқарув”, “раҳбарларнинг бошқаруви фаолияти” ва “соғлом ва ижодий муҳит” каби асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳияти таҳлил қилинди. Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда биз раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида “соғлом муҳит”, “ижодий муҳит”, “раҳбарларнинг самарали бошқаруви фаолияти” тушунчаларини илмий истеъмолга киритишни таклиф этдик.

“Соғлом муҳит” – таълим-тарбия жараёни иштирокчилари ўртасида ўзаро самимий ҳурмат, ҳамкорлик, хавфсизлик, жавобгарлик, тенглик мавжуд бўлган, кўзланган мақсадларга эришишда коммуникатив компетенцияга эга бўлиш, ишни, вақтни тўғри тақсимлай олиш, зиддиятли ва муаммоли вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш, жамоа фаолиятини мувофиқлаштиришдаги дўстона, илиқ муҳит.

“Ижодий муҳит” – ҳалол, ишончли шаффоф фаолиятни ташкил этиш, ҳамкорликда режалаштириш, ижодкорликни ошириш, таъсир этиш, яратиш, таҳлил этиш, кузатиш, муносабатларни компетенциявий ёндашувлар орқали ифодаланадиган ҳар бир шахснинг қобилиятларини юзага чиқариш ва ривожлантириш учун яратилган шароит ва ишчан муҳит.

“Раҳбарларнинг самарали бошқарув фаолияти” – бу юксак маҳорат талаб этадиган, кўзланган мақсадга эришиш учун билим, кўникма ва компетенцияларга эга бўладиган, янгича фикрлайдиган ва жараёнга ижодий ёндаша оладиган, ўз-ўзини бошқара оладиган ва тадқиқий таҳлил қила оладиган, аниқ ва ностандарт вазиятларда мустақил қарор қабул қила оладиган, ҳар қандай ҳолатда масъулиятни ҳис этиш билан боғлиқ тайёргарлик даражаси, – дея илмий-доктринал таъриф берилди.

Раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳит яратиш механизмларини такомиллаштириш куйидаги формула орқали ўз тақлифимизни бердик:

$$SIJ = Mf + Rha + Kf$$

бу ерда: SIJ – соғлом ижодий жараён; Mf – мотивацион фаолият; Rha – рефлексив ҳолат алгоритми; Kf – когнитив фаолиятни бошқариш

Сўнгги йилларда “эркак ва аёл раҳбарларнинг бошқарув ишида муваффақиятга эришишларида маълум фарқ, тафовут мавжудми?” деган савол доирасида кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, хорижда В.И.Румянцева, А.А.Демченко, А.Е.Чирикова, О.Н.Кричевская, И.Н.Логвинов, Н.В.Ходирева, Т.В.Бендас, мамлакатимизда В.Каримова, И.Махмудов, О.Шамиева, Ф.Акрамова ва бошқаларнинг назарий методологик хусусиятга эга бўлган асарларида ҳамда махсус экспериментал тадқиқотларида бошқарувдаги гендер фарқлар, эркак ва аёл раҳбарларнинг бошқарувчилик имкониятлари, уларнинг касбий ва шахсий сифатлари ҳақида маълумот берилган.

А.А.Демченко, В.И.Задоркин ва В.Ф.Склярлов томонидан олиб борилган тадқиқотларга эътибор берилса, уларда эркак ва аёл раҳбарларнинг шахсий сифатлари, бошқарувчилик имкониятлари, раҳбар авторитетининг бошқарув самарадорлигига кўрсатадиган таъсири масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлигига гувоҳ бўламиз<sup>7</sup>.

Тадқиқот давомида аёл ва эркак раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратишнинг педагогик-психологик хусусиятлари, турли жинсга мансуб раҳбарларнинг муаммога ёндашув тамойиллари, касбий ва шахсий фазилатлари амалий фаолиятда намоён бўлиши ўрганилди. Раҳбарларнинг касбий тайёргарлик даражаси фаолият талабларига мослиги, лаёқатлилиги, меҳнат бозорининг замонавий раҳбарларга бўлган талаблари, интегратив касбий-шахсий сифатлар мажмуаси, бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш мазмуни қамраб олади.

**“Таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш мазмуни ва тузилмаси”** деб номланган

<sup>7</sup> Демченко А.А. Управление персоналом: Теоретический курс автоматизированного изложения / А.А.Демченко, В.И.Задоркин, В.Ф.Склярлов. – М.: Олимп, 1995. – 37 с.

диссертациянинг иккинчи боби, таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратишнинг ўзига хос хусусиятлари, раҳбарнинг жамоада соғлом ва ижодий муҳитни яратишда компетенциявий ёндашув, таълим муассасаларини бошқарув фаолиятида носоғлом муҳитнинг келиб чиқиш сабаблари, объектив ва субъектив омиллари, бошқарув тамойиллари асосида раҳбар фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари баён этилган.

Тадқиқот давомида мавзу йўналишлар бўйича ўрганиб қуйидагилар аниқланди: ижодкорликнинг раҳбар тафаккури билан узвий боғлиқлиги; унинг ўзига хослиги; ижтимоий-тарихий жиҳатлари билан ажралиб туриши; ижодий фаолият сифатида қаралиши; ижодий фикрлашда маълум психологик фазилятларнинг мавжудлиги; раҳбарнинг ижодий салоҳияти ва қобилиятлари орқали самарали бошқарув элементлари меҳнатга бўлган муносабатларда намоён бўлади.

Умумий ўрта таълим мактаблари директорларининг соғлом ва ижодий муҳитни ярата олишида бошқарув вазифаларини амалга оширишда қуйидаги йўналишларга эга бўлади: ўз фаолияти ва унинг шахсий ва касбий ривожланиш, шу жумладан: рефлексив ва профессионал даражада ўзини англаш; аутопсихологик компетенция ва ижодий қобилиятларга эга бўлиш; ходимларнинг шахсий ва касбий малакаларининг ривожланиши, шу жумладан шахслараро илиқ муносабатларни шакллантириш; профессионал маданият; ижодий салоҳият; акмеологик билим; раҳбар сифатида ходимларни бошқарувчанлик фаолияти, шу жумладан: интеллектуал қобилиятларни намоён қилиш; касбий фикрлаш; раҳбар ва мутахассиснинг соҳага оид касбий билим ва тажрибаси, меҳнатга ижодий муносабат ва акмеологик маданият.

Раҳбар бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратишда акмеологик ёндашув масалаларини таҳлил этар эканмиз, яна бир муҳим жиҳатга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Яъни ёш раҳбарларнинг назарий билимлари билан амалий кўникмалари ўртасида бўшлиқнинг мавжудлиги сабабли улар мустақил фаолиятнинг дастлабки кунларидан бошлаб қатор қийинчиликларга дуч келади. Бу қийинчиликларни ўз моҳиятига кўра қуйидагича тавсифлаш мумкин:

ижтимоий қийинчиликлар: нотаниш муҳит шарт-шароитлари, шахслараро муносабатлар, меҳнат жамоасининг савияси, жамоа вакиллари характерларининг ранг баранглиги, жамоанинг қадриятлари, маънавияти, анъаналари ва ҳоказо;

билим ва билишга оид қийинчиликлар: олий таълим муассасасида олган билимларнинг етишмаслиги, савиянинг чекланганлиги, ижодий изланиш фаолиятининг заифлиги, ташаббускорликнинг етишмаслиги ва бошқалар;

мутахассислик билан боғлиқ ўзига хос қийинчиликлар: касбий фаолият соҳасининг моҳияти, хусусияти, замонавий технологиялар, қурилмалар, амалий кўникманинг етишмаслиги, қутилмаган касбий вазифалар, муаммоларни ҳал этишга нисбатан тўғри ва тезкор қарор қабул қила олмаслик. Бу қийинчиликларни енгиш даврида раҳбарнинг бошқарув

